

«ТАСДИҚЛАНГАН»
“UzAssets investitsiya kompaniyasi” АЖ
Кузатув кенгаши мажлисининг
2023 йил 11 октябрдаги
4-сон баённомаси билан

“UzAssets investitsiya kompaniyasi”
акциядорлик жамиятининг
Ички аудит хизмати тўғрисида
НИЗОМ

Тошкент – 2023 йил

Мундарижа

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР	2
II. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ	3
III. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ	3
IV. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ	4
V. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ	5
VI. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ	6
VII. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР	7
VIII. ИЧКИ АУДИТ ЎТКАЗИШГА ВА УНИ ЎТКАЗИШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА ЙИҒМА ҲИСОБОТ ТУЗИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР	8
IX. ИЧКИ АУДИТ ТАДБИРЛАРИНИ ЎТКАЗИШ	11
1-§. Ички аудит йиллик режаси.....	11
2-§. Ички аудит тадбирини ташкил этиш	11
3-§. Ички аудит тадбирини ўтказиш	12
4-§. Ички аудит тадбири натижаларини расмийлаштириш.....	12
5-§. Ички аудит тадбири натижалари бўйича чора-тадбирлар режаси	12
6-§. Ваколат доирасидан ташқаридаги хавфлар ҳақида хабар бериш	13
7-§. Ички аудит хизмати фаолияти тўғрисида ҳисобот	14
X. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ	14
XI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР	15

**“UzAssets investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамиятининг
Ички аудит хизмати тўғрисида
НИЗОМ**

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Ушбу Низом “UzAssets investitsiya kompaniyasi” акциядорлик жамияти (кейинги ўринда – Жамият) Ички аудит хизматининг мақоми ва фаолиятини ташкил қилиш тартиби, асосий тамойиллари, вазифалари ва функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, Ички аудит хизматига қўйиладиган талаблар, ички аудит текширувини ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги “Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-475-сон қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори билан тасдиқланган Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисидаги низом, Жамият Устави, Корпоратив бошқарув кодексига мувофиқ ишлаб чиқилган.

3. Ушбу Низом Кузатув кенгаши аъзолари, Бошқарув ва Жамият ходимлари томонидан риоя этилиши мажбурий бўлган Жамиятнинг ички норматив ҳужжати ҳисобланади.

4. Ушбу Низом мақсадлари учун қуйидаги атамалар ва тушунчалардан фойдаланилади:

Ягона акциядор – Жамият устав фондидаги давлат акция пакетлари бўйича акциядор функцияларини бажариш ваколатига эга давлат органи;

Кузатув кенгаши – Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга ошириш ваколатига эга бўлган коллегиял бошқарув органи;

Бошқарув – Жамиятнинг кундалик фаолиятига раҳбарлик қилиш ваколатига эга бўлган коллегиял ижроия органи;

Аудит қўмитаси – Кузатув кенгаши аъзоларидан иборат таркибда ташкил этилган қўмита;

Ички аудит хизмати – мазкур Низом талабларига мувофиқ Кузатув кенгаши қарори билан ташкил этиладиган Жамиятда ички аудитни амалга оширадиган таркибий бўлинма.

ички аудит тадбири – Бошқарув ва унинг таркибий бўлинмалари томонидан қонунчиликка, Жамият Устави ва ички норматив ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш ва мониторинг олиб бориш йўли билан уларнинг ишини назорат қилиш ва баҳолаш, маълумотларнинг бухгалтерия ҳисоби

ва молиявий ҳисоботда акс эттирилишининг тўлиқлиги ва ишончлилигини таъминлаш, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва таомиллари, активларнинг сақланиши ҳамда корпоратив бошқариш принципларини жорий этиш бўйича Ички аудит хизматининг фаолияти.

II. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

5. Ички аудит хизматини ташкил этиш ва тугатиш, унинг ходимларини тайинлаш ва ваколатларини тугатиш Кузатув кенгашининг қарорларига асосан амалга оширилади.

6. Ички аудит хизмати ходимлари Кузатув кенгаши томонидан белгиланадиган тартиб ва шартларга асосан танлов асосида тайинланади.

7. Ички аудит хизмати ходимларини тайинлаш тўғрисидаги Кузатув кенгаши қарори Кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

8. Кузатув кенгашининг Ички аудит хизмати ходимини тайинлаш тўғрисидаги қарорига асосан Ички аудит хизмати ходими билан тузиладиган меҳнат шартномаси Жамият номидан Бошқарув раиси томонидан имзоланади.

9. Ички аудит хизмати Кузатув кенгашига ҳамда Кузатув кенгашининг Аудит қўмитасига ҳисобдордир.

10. Бошқарув раиси Ички аудит хизмати ходимларининг Жамиятда ўрнатилган ички меҳнат тартиб қоидаларига риоя этиши устидан назорат юритади.

11. Ички аудит хизмати ходимларининг сони ички аудит тадбирлари мақсадларига самарали эришиш ва вазифаларини ҳал этиш учун етарли бўлиши керак ҳамда сертификацияланган икки нафардан кам бўлмаган ички аудитордан иборат этиб белгиланади.

12. Ички аудит хизмати унинг раҳбари бошчилик қилади.

13. Ҳар йили Ички аудит хизмати раҳбари Ички аудит хизмати харажатларининг йиллик сметасини тузади ва уни тасдиқлаш учун Кузатув кенгашига тақдим этади.

III. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАМОЙИЛЛАРИ

14. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини мустақиллик, холислик, қонунийлик, малакалилик ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш тамойиллари асосида амалга оширади.

15. Ички аудит хизмати ва унинг ходимлари ўз фаолиятини амалга оширишда, шу жумладан ички аудит тадбирларини ўтказиш ва унинг натижаларини расмийлаштиришда беғараз бўлиши ва холислик билан

ёндашиши, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслиги лозим.

16. Ички аудит хизмати ўз фаолиятини қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга ошириши ҳамда ваколатларидан четга чиқмаслиги лозим.

17. Ички аудит хизмати ходимлари ўз фаолиятини амалга оширишда малакага эга бўлиши ҳамда мунтазам равишда ўз малакасини ошириб бориши лозим.

18. Ички аудит хизмати ходимлари ўз фаолиятини амалга оширишда олинган маълумотларни белгиланган тартибда сақлаши, улардан фаолиятидан ташқари ҳолларда фойдаланмаслиги, ўз фаолияти давомида ўзига маълум бўлган давлат сири, тижорат сири ва бошқа конфиденциал маълумотларни муҳофаза қилиш ва уларни ошкор этмаслик чораларини кўриши лозим.

IV. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ МУСТАҚИЛЛИГИ

19. Ички аудит хизмати ўз фаолиятида Жамиятнинг бошқа таркибий бўлинмаларидан мустақил ҳисобланади.

20. Қуйидагилар Ички аудит хизмати мустақиллигининг асосий шартлари ҳисобланади:

Ички аудит хизмати раҳбарини ва унинг ходимларини лавозимга тайинлаш ва эгаллаб турган лавозимидан озод этиш, уларга иш ҳақи миқдорини (смета) ва бошқа тўловларни белгилаш Кузатув кенгашининг қарорларига асосан амалга оширилиши;

Кузатув кенгашига ҳамда Кузатув кенгашининг Аудит қўмитасига бевосита бўйсунуш.

21. Ички аудит хизмати ва ташқи аудитор бир-бирларига нисбатан мустақил бўлиши лозим, шу билан бирга, улар ўзаро ахборот алмашишга ва ўзларининг ҳаракатларини мувофиқлаштиришга ҳақли.

22. Ички аудит хизмати томонидан ўзига юклатилган вазифаларни бажаришда, шу жумладан ички аудит тадбирларини режалаштириш, ўтказиш ҳамда унинг натижаларини расмийлаштиришда ички аудит хизматининг фаолиятига аралаштириш тақиқланади.

23. Кузатув кенгаши Ички аудит хизмати мустақиллигини таъминлаш учун қуйидагиларни амалга оширади:

Ички аудит хизмати тўғрисидаги низомни тасдиқлайди;

ички аудит йиллик режасини тасдиқлайди;

Ички аудит хизмати фаолиятини амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратилишини таъминлайди;

ички аудит йиллик режасининг бажарилиши, Ички аудит хизмати

мустақиллигининг таъминланиши ва фаолиятини амалга оширишда юзага келаётган муаммолар юзасидан таклиф, тавсия, маълумот ҳамда ҳисоботларни кўриб чиқади.

24. Ички аудит хизмати ходимлари Ички аудит хизмати мустақиллигини таъминлаш бўйича қуйидагиларни амалга оширади:

Ички аудит хизмати фаолиятининг асосий тамойилларига амал қилади;

ички аудит тадбирларини ўтказишга тўсқинлик қилувчи ҳар қандай ҳолатлар ёки Ички аудит хизмати фаолиятига ҳар қандай аралашувлар юзага келганда, Кузатув кенгаши аъзоларини хабардор қилади, шунингдек ўз ваколати доирасида бундай ҳолатларни бартараф этиш чораларини кўради;

Кузатув кенгашига Ички аудит хизмати фаолияти тўғрисидаги ҳисоботда Ички аудит хизмати фаолиятининг мустақиллиги таъминланиши бўйича маълумот беради.

V. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ АСОСИЙ ВАЗИФАЛАРИ ВА ФУНКЦИЯЛАРИ

25. Қуйидагилар Ички аудит хизматининг асосий вазифалари ҳисобланади:

Бошқарув аъзолари ва Жамият ходимлари томонидан қонунчиликка, Жамият Устави ва ички норматив ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш ва мониторинг олиб бориш йўли билан уларнинг ишини назорат қилиш ва баҳолаш;

маълумотларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда акс эттирилишининг тўлиқлиги ва ишончлилигини таъминлаш;

хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва таомиллари, Жамият активларининг сақланиши ҳамда корпоратив бошқарув принципларини жорий этиш;

Кузатув кенгашини ишончли ахборот билан таъминлаш ва ички аудит тадбирларининг амалга оширилиши натижалари бўйича Жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифларни тайёрлаш;

ички аудит тадбирлари жараёнида аниқланадиган камчиликларни бартараф этиш юзасидан Кузатув кенгашини хабардор қилган ҳолда Бошқарувга тавсияларни тезкорлик билан киритиш, уларнинг бартараф этилишини назорат қилиш.

26. Қуйидагилар Ички аудит хизматининг асосий функциялари ҳисобланади:

ҳар йили Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланадиган режага мувофиқ мазкур Низомнинг 36-бандида кўрсатилган йўналишлар бўйича текширишлар

ўтказиш йўли билан ички аудит тадбирларини амалга ошириш (ҳар чоракда ва ҳисобот йили якунлари бўйича);

тузиладиган хўжалик шартномаларининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлиги юзасидан экспертиза ўтказиш;

бухгалтерия ҳисобини юритишда ва молиявий ҳисоботни тузишда Жамиятнинг таркибий бўлинмаларига методик ёрдам бериш, уларга молия, солиқ, банк қонунчилиги ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари масалалари бўйича маслаҳатлар бериш;

техник топшириқларни ишлаб чиқишда, ташқи аудиторлик ташкилотларининг таклифларини баҳолашда ҳамда аудиторлик текширишларини ўтказиш учун ташқи аудиторлик ташкилотини танлашда тавсияларни тайёрлашда Кузатув кенгашига кўмаклашиш;

Жамиятнинг шўъба хўжалик жамиятлари (мавжуд бўлса) ички аудит хизмати фаолиятини мувофиқлаштириш ва заруратга қараб уларнинг молия-хўжалик фаолиятини назорат қилиш;

Жамиятнинг аффилиланган шахси билан тузиладиган битим тўғрисидаги, тузилиши кутилаётган битим тарафининг ёзма билдиришида кўрсатиладиган ахборотни Бошқарув билан биргаликда ўрганиш, бундай битимнинг юридик, молиявий, техник ва бошқа муҳим жиҳатлари ҳамда унинг Жамият фаолиятига кўрсатиши мумкин бўлган таъсирини аниқлаш;

Жамиятнинг аффилиланган шахси билан тузилиши кутилаётган битимни ўрганиш натижаларини баённома билан расмийлаштириш.

VI. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

27. Ички аудит хизмати қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ички аудит тадбирларини амалга ошириш давомида пайдо бўладиган масалалар бўйича Жамиятнинг ҳужжатларини (Бошқарув раиси буйруқлари, фармойишлари, бошқарув органлари қарорлари, маълумотномалар, ҳисоб-китоблар, зарур ҳужжатларнинг тасдиқланган нусхалари ва б.), мансабдор ва масъул шахсларидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар олиш;

ички аудит тадбирларини ўтказишга кўмаклашиш учун Жамиятнинг тегишли мутахассисларини жалб этиш.

28. Ички аудит хизмати қуйидагиларга мажбур:

ички аудит тадбирларини амалга оширишда қонунчилик талабларига, Жамият Уставига, мазкур Низомга ва Жамиятнинг ички меҳнат тартиб-қоидаларига риоя қилиш;

мазкур Низомда белгиланган талабларга мувофиқ ҳисоботлар тузиш;

молия ва статистика ҳисоботи кўрсаткичларининг ишончилигини

текшириш;

ички аудит тадбирларини амалга ошириш жараёнларида олинган ахборот ва маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш;

ўз фаолиятини амалга оширишда олинган маълумотларни белгиланган тартибда сақлаш, улардан фаолиятдан ташқари ҳолларда фойдаланмаслик, тижорат сири ва бошқа конфиденциал маълумотларни ошкор этмаслик.

Жамиятга унинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари томонидан зарар етказилганидан далолат берувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда бу ҳақида дарҳол Кузатув кенгашига хабар бериш ва аудиторлик ҳисоботида тегишли ёзувни қайд этиш;

активларни хатловдан ўтказишда ва қонунчиликда белгиланган тартибда унинг ўз вақтида амалга оширилишини назорат қилишда иштирок этиш.

29. Ички аудит хизмати қонунчиликка, Жамият Уставига, Ягона акциядор ва Кузатув кенгаши қарорларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

VII. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

30. Ички аудит хизмати ходимлари Жамиятнинг штатлар жадвалига киритилиши ҳамда улар ички аудитор сертификатига эга бўлиш шарт.

31. Ички аудит хизмати ходимларининг касб даражаси тегишли лицензияга эга бўлган таълим муассасаларида мунтазамлик асосида уларнинг малакасини ошириш воситасида сақланиши лозим.

32. Ички аудит хизмати ходимлари Кузатув кенгаши томонидан ҳар йили аттестациядан ўтказилади.

33. Ички аудит хизмати ходимлари ўзига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга ошириши учун зарур бўлган билим даражасига ҳамда куйидагилар бўйича етарли малака ва кўникмаларга эга бўлиши лозим:

Жамиятнинг молиявий фаолиятига тааллуқли бўлган маълумотларнинг мавжудлиги ҳамда ишончлилигини баҳолаш;

ички аудит тадбирлари билан қамраб олинган масалаларнинг аҳамияти, муҳимлиги ва мураккаблигини аниқлаш;

Жамиятда бюджет интизомига амал қилиниши ва молиявий бошқарув жараёнларининг самарадорлигини ўрганиш;

молиявий хато ва камчиликлар, ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг юзага келиши эҳтимолини баҳолаш;

Жамиятнинг молиявий фаолиятини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш.

34. Ички аудит хизмати ходимининг малакаси ички аудит миллий малака сертификати орқали тасдиқланади.

35. Ички аудит хизмати раҳбари доимий равишда Ички аудит хизмати ходимларининг малакасини баҳолаш ҳамда уларнинг малакасини ошириш учун зарур чора-тадбирларни амалга оширади.

VIII. ИЧКИ АУДИТ ЎТКАЗИШГА ВА УНИ ЎТКАЗИШ НАТИЖАЛАРИ БЎЙИЧА ЙИҒМА ҲИСОБОТ ТУЗИШГА ҚЎЙИЛАДИГАН ТАЛАБЛАР

36. Ички аудит:

Жамиятнинг тасдиқланган бизнес-режаси бажарилишини;

корпоратив бошқариш принципларига риоя қилинишини;

бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобнинг ҳолатини;

солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисоблаб чиқилиши ва тўланишини;

молия-хўжалик фаолиятини амалга оширишда қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини;

активларнинг ҳолатини;

ички назоратнинг ҳолатини текшириш ва уларнинг мониторингини олиб бориш йўли билан фақат Ички аудит хизмати ходимлари томонидан амалга оширилади.

Кузатув кенгаши томонидан Жамият ихтисосидан келиб чиқиб қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ текшириш ўтказишнинг бошқа йўналишлари ҳам белгиланиши мумкин.

37. Ўтказилган текширишлар натижалари бўйича бевосита уни ўтказган ходим (ходимлар) томонидан имзоланадиган тегишли ҳисоботлар тузилади.

Бунда:

а) бизнес-режа бажарилишини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

унинг бажарилишининг миқдор ва сифат кўрсаткичлари таҳлили;

унинг бажарилиши таъминланмаган тақдирда айбдор мансабдор шахслар шахсан кўрсатилган ҳолда аниқланган сабаблар баёни;

б) корпоратив бошқарув принципларига риоя қилишни текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

Жамият бошқарув органлари томонидан қабул қилинадиган қарорларнинг самарадорлигини, Ягона акциядорнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига риоя этилиши таҳлили;

корпоратив бошқарув соҳасида қонунчилик ҳужжатлари бузилиши ҳолатлари баёни (таъсис ҳужжатларига риоя қилиш, умумий йиғилишлар ва Жамият бошқарув органлари мажлислари ўтказилиши, дивидендларнинг тўғри ҳисобланиши ва ўз вақтида тўланиши, ҳоказолар);

в) Жамиятнинг бухгалтерия ҳисоби ва молия ҳисоботи ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молия ҳисоботини тузишнинг белгиланган тартибига риоя қилинишини баҳолаш;

аниқланган бухгалтерия ҳисоботини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашнинг белгиланган тартиби бузилишининг тавсифи;

г) солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўғри ҳисобланиши ва тўланишини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

тузилган ва тегишли органларга тақдим этилган солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳисоб-китоби тўғрилигини баҳолаш;

солиқлар ва мажбурий тўловларни ҳисоблаш ва тўлашнинг белгиланган тартиби бузилиши ҳолатларини, солиқ солинадиган базани белгилашда четга чиқишларни баён қилиш;

д) молия-хўжалик операцияларини амалга оширишда Жамият томонидан қонунчилик ҳужжатларига риоя қилинишини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

Жамият томонидан амалга оширилган молия-хўжалик операцияларининг қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлигини баҳолаш;

ички аудит тадбирлари давомида аниқланган Жамият томонидан амалга оширилган молия-хўжалик операцияларининг қонунчилик ҳужжатларига номувофиқлигини баён қилиш;

е) ички назоратнинг ҳолатини текшириш натижалари тўғрисидаги ҳисобот қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

ички назорат тизимини ва унинг фаолият кўрсатишидаги мавжуд камчиликларни баён этиш;

Жамият таркибий бўлинмаларидаги ижро интизомининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, унинг аниқ ходимлари ишидаги мавжуд камчиликлар.

Активларнинг ҳолатини текшириш натижалари активларни хатловдан ўтказишнинг асосланишини ҳамда уларнинг ҳаракати, амалда мавжудлиги ва сақланиши тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олиши керак.

Ўтказилган текширишлар бўйича барча ҳисоботларда Бошқарув ва унинг таркибий бўлинмалари фаолияти баҳоланишини, аниқланган четга чиқишлар ва қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этишга доир тавсияларни, тасдиқловчи ҳужжатларнинг тўлиқ пакетини ўз ичига оладиган якуний қисм бўлиши керак.

38. Ўтказилган ички аудит тадбирлари якунлари бўйича, мазкур Низомга мувофиқ, Ички аудит хизмати раҳбари томонидан имзоланадиган йиғма ҳисобот тузилади.

39. Йиғма ҳисобот:

таҳлилий қисми;

якуний қисми;

тасдиқлайдиган ҳужжатларнинг тўлиқ пакетини ўз ичига олиши керак.

40. Йиғма ҳисоботнинг таҳлилий қисми Ички аудит хизмати ходимлари томонидан ўтказилган ички аудит тадбирлари натижалари тўғрисидаги умумлаштирилган ахборотни ўз ичига олиши керак.

41. Ҳисоботнинг якуний қисми қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

Бошқарув ва Жамиятнинг таркибий бўлинмалари фаолиятига, шунингдек ликвидлигига умумий баҳони;

аниқланган четга чиқишлар ва қонунбузишларини бартараф этиш бўйича Ички аудит хизматининг тавсияларини ҳамда Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини оширишга, корпоратив бошқарувни такомиллаштиришга доир умумлаштирилган таклифларни.

42. Йиғма ҳисобот ички аудит тадбирлари якунлангандан кейин 10 (ўн) кун ичида тайёрланиши лозим.

43. Йиғма ҳисоботлар бевосита Кузатув кенгашига кўриб чиқиш ва кейинчалик тасдиқлаш учун тақдим этилиши лозим. Ҳисоботлар нусхалари тасдиқлангандан кейин Бошқарувга тақдим этилиши керак.

44. Бошқарув ички аудит тадбирлари натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирларини кўриши шарт.

45. Ички аудит хизмати текшириш давомида аниқланган қонунбузилишларини бартараф этиш, шунингдек умуман Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва зарур даражада бажарилиши устидан назорат ўрнатиши керак.

IX. ИЧКИ АУДИТ ТАДБИРЛАРИНИ ЎТКАЗИШ

1-§. Ички аудит йиллик режаси

46. Ички аудит хизмати томонидан бир календар йил давомида ўтказиладиган ички аудит тадбирларини аниқлаш мақсадида ички аудит йиллик режаси ишлаб чиқилади.

47. Ички аудит йиллик режаси хавф-хатар таҳлили асосида ҳамда Ички аудит хизматида мавжуд вақт ва инсон ресурсларини ҳисобга олган ҳолда келгуси йил учун ҳар йили декабрь ойининг 15 санасига қадар ишлаб чиқилади ва Кузатув кенгашига киритилади.

Бунда, Жамиятда Ички аудит хизмати янги ташкил этилган ҳолатларда, ички аудит режаси Ички аудит хизмати ташкил этилган кундан бошлаб 30 (ўттиз) календарь кунидан кечиктирмасдан ишлаб чиқирилиши лозим.

48. Ички аудит йиллик режасида ички аудит тадбирлари ўтказиладиган ички аудит объектлари рўйхати, ички аудит тадбирини ўтказиш муддати, ички аудит тадбири билан қамраб олинadиган давр ва масъул ходим кўрсатилади.

49. Келгуси йил учун ички аудит йиллик режаси Кузатув кенгаши томонидан ҳар йили декабрь ойининг 25 санасига қадар тасдиқланади.

2-§. Ички аудит тадбирини ташкил этиш

50. Ички аудит тадбирлари ички аудит йиллик режаси асосида ўтказилади.

51. Ички аудит йиллик режасида назарда тутилмаган ички аудит тадбирлари Кузатув кенгаши қарори асосида ўтказилади.

52. Ички аудит хизмати Бошқарув раисига ички аудит тадбири давомида бажариладиган ишлар тўғрисида қисқача маълумот, ички аудит тадбирини ўтказишда тақдим этилиши лозим бўлган маълумотлар ва ҳужжатлар рўйхати ҳамда уларни тақдим этиш муддатлари, ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи аъзолари рўйхатини илова қилган ҳолда хабарнома юборadi.

Бунда, хабарнома Бошқарув раисига ички аудит тадбири бошланишидан 5 (беш) иш куни аввал юборилади.

53. Ички аудит хизмати томонидан ҳар бир ички аудит тадбирини ўтказиш учун ички аудит тадбири дастури ишлаб чиқилади.

54. Ички аудит тадбири дастури ички аудит тадбирининг йўналишлари, муддати, ички аудит тадбирини ўтказиш гуруҳи тўғрисидаги маълумотлар, ички аудит тадбири билан қамраб олинadиган давр, ички аудит тадбирида қўлланиладиган аудит усулларини ўз ичига олади.

55. Ички аудит тадбири дастури Ички аудит хизмати раҳбари томонидан тасдиқланади.

3-§. Ички аудит тадбирини ўтказиш

56. Ички аудит тадбири давомида Ички аудит хизмати Жамиятнинг молиявий фаолиятига оид ҳужжатлар ва маълумотларини ўрганади ҳамда таҳлил қилади.

57. Ички аудит хизмати томонидан ўрганиш ва таҳлил натижалари асосида таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилади.

58. Ички аудит хизмати раҳбари ички аудит тадбирини ички аудит тўғрисидаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ ўтказилишини назорат қилади.

59. Ички аудит тадбирларини ўтказиш жараёнида жиноят аломатлари мавжудлиги тўғрисида шубҳа пайдо бўлганда, Ички аудит хизмати раҳбари тегишли чоралар кўриш (ҳужжатлаштириш, олдини олиш чораларини кўриш) учун Кузатув кенгашини ёзма равишда хабардор қилади.

4-§. Ички аудит тадбири натижаларини расмийлаштириш

60. Ички аудит тадбири натижалари ички аудит тадбири ҳисоботи шаклида расмийлаштирилади.

61. Ички аудит тадбири ҳисоботида ички аудит тадбири натижалари, таҳлиллар, кузатишлар, таклиф ва тавсиялар, чора-тадбирлар режаси ҳамда Жамият томонидан тақдим этилган фикр ва мулоҳазалар (агар мавжуд бўлса) акс эттирилади.

62. Ички аудит тадбири ҳисоботи Ички аудит хизмати ходими ҳамда Бошқарув раиси ва молиявий-хўжалик фаолияти бўйича масъул шахслар томонидан имзоланади.

63. Ички аудит тадбири ҳисоботи Бошқарув раиси ёки молиявий-хўжалик фаолияти бўйича масъул шахслар томонидан имзоланмаган тақдирда, Ички аудит хизмати ходими бу ҳақда далолатнома расмийлаштиради ва ички аудит тадбири ҳисоботига илова қилади.

64. Ички аудит тадбири ҳисоботи уч нусхада расмийлаштирилади ҳамда ички аудит хизмати, Кузатув кенгаши ва Бошқарувда сақланади.

65. Ички аудит хизмати ички аудит тадбири ҳисоботини Бошқарув аъзоларининг сўровига мувофиқ тақдим этиши шарт.

5-§. Ички аудит тадбири натижалари бўйича чора-тадбирлар режаси

66. Ички аудит тадбири натижасида аниқланган қонунбузилиш ҳолатлари, уларнинг хавфини камайтириш ва бартараф этиш юзасидан Ички аудит хизмати томонидан берилган таклиф ва тавсиялар бажарилиши мақсадида Чора-тадбирлар режаси тайёрланади.

67. Чора-тадбирлар режасида Ички аудит хизмати томонидан берилган таклиф ва тавсиялар, уларни амалга оширилиши ва унинг муддатлари, масъул шахс тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади ҳамда ички аудит тадбири ҳисоботига илова қилинади.

68. Чора-тадбирлар режаси Ички аудит хизмати томонидан ишлаб чиқилади ҳамда Кузатув кенгашининг Аудит қўмитаси томонидан тасдиқланади.

69. Бошқарув ёки Бошқарув томонидан тайинланган масъул шахс ҳар чорақда чора-тадбирлар режасининг бажарилиши тўғрисида Ички аудит хизматига маълумот тақдим этади.

70. Ички аудит хизмати чора-тадбирлар режаси бажарилиши юзасидан мониторинг юритади.

71. Чора-тадбирлар режаси бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, Ички аудит хизмати бу ҳақда Кузатув кенгашининг Аудит қўмитасига маълумот киритади.

72. Ички аудит хизмати ходимлари Ички аудит хизмати фаолияти тўғрисидаги ҳисоботида Чора-тадбирлар режаси бажарилиши юзасидан мониторинг натижалари тўғрисидаги маълумотларни акс эттиради.

6-§. Ваколат доирасидан ташқаридаги хавф-хатарлар ҳақида хабар бериш

73. Ички аудит хизмати Жамият фаолиятига салбий таъсир кўрсатувчи хавф-хатарларни аниқлаган тақдирда, уларни бартараф этиш имкониятларини баҳолайди.

74. Жамият Ички аудит хизмати томонидан аниқланган хавф-хатарларни бартараф этиш бўйича чоралар кўради.

75. Ички аудит хизмати томонидан аниқланган хавф-хатарларни бартараф этиш Жамиятнинг имкониятларидан ташқари бўлган тақдирда, бу ҳақда Ички аудит хизмати Кузатув кенгашининг Аудит қўмитасига маълумот тақдим этади ҳамда уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади.

76. Бошқарув хавф-хатарларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга оширади ҳамда ўз ваколатидан ташқарида бўлган хавф-хатарлар бўйича маълумотларни Кузатув кенгашининг Аудит қўмитасига тақдим этади.

77. Кузатув кенгашининг Аудит қўмитаси Жамиятда аниқланган хавф-хатарлар тўғрисидаги маълумотларни ўрганади ҳамда ўз ваколати доирасида уларни бартараф этиш бўйича Бошқарув билан ҳамкорликда иш олиб боради.

7-§. Ички аудит хизмати фаолияти тўғрисида ҳисобот

78. Ички аудит хизмати Кузатув кенгашининг Аудит кўмитасига ички аудит йиллик режасининг бажарилиши ҳамда фаолияти натижалари тўғрисида ҳисобот чорагидан кейинги ойнинг 20 санасигача чораклик ҳисобот ҳамда ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 январига қадар йиллик ҳисобот тақдим этади.

79. Ички аудит хизмати фаолияти тўғрисидаги ҳисоботда Ички аудит хизмати томонидан ҳисобот даврида амалга оширилган ишлар тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан қуйидагилар кўрсатилади:

ички аудит йиллик режасида тасдиқланган ички аудит тадбирларининг бажарилиш ҳолати;

ҳисобот йилида ўтказилиши режалаштирилган, лекин амалга оширилмаган ички аудит тадбирлари тўғрисидаги маълумотлар;

Жамият томонидан Чора-тадбирлар режасининг бажарилиши тўғрисидаги маълумотлар;

келгуси ҳисобот йилида Ички аудит хизмати фаолиятини ривожлантириш бўйича таклифлар;

Ички аудит хизмати фаолияти сифатини таъминлаш ва ошириш тўғрисидаги маълумотлар;

аниқланган тизимли хавф-хатарлар ва уларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этиш бўйича Жамиятда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳақида таклиф ва тавсиялар;

аниқланган тизимли хавф-хатарларнинг олдини олиш ҳамда бартараф этишда Жамият ваколатига кирмайдиган масалалар ва уларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар;

Жамият фаолиятида бюджет интизомини мустаҳкамлаш, хавф-хатарларни профилактика қилиш ҳамда молиявий харажатлар натижадорлиги ва самарадорлигини ошириш бўйича таклифлар.

Х. ИЧКИ АУДИТ ХИЗМАТИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

80. Ички аудит хизмати ходимлари қуйидагилар учун жавобгар ҳисобланади:

ўтказилган ички аудит тадбирлари натижаларининг ҳаққонийлигини ва холислигини таъминламаганлиги;

ички аудит хизмати фаолиятини амалга оширишда Жамиятнинг тижорат сири ва бошқа конфиденциал маълумотларининг махфийлигига риоя қилмаганлиги;

ички аудит тадбири давомида олинган ҳужжатларнинг сақланиши

ва қайтарилишини таъминламаганлиги.

81. Ички аудит хизмати аудиторлик текширишлари давомида аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш ва Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан кўрилган чора-тадбирларга баҳо берилиши учун жавобгар бўлади.

82. Кузатув кенгаши ҳар чорақда Ички аудит хизматининг текширишлар натижалари тўғрисидаги ҳисоботини эшитади, аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва Жамиятнинг молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини ошириш юзасидан чора-тадбирлар белгилайди.

83. Мустақил аудиторлик ташкилотлари ёки назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган текширувлар натижасида Ички аудит хизмати ходимларининг фаолиятида йўл қўйилган камчиликлар аниқланган тақдирда, Кузатув кенгаши қарорига асосан Ички аудит хизмати ходимларининг ваколати муддатидан олдин тугатилади.

XI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

84. Мазкур Низом Кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган кундан кучга киради.

85. Қуйидаги ҳолатларда ушбу Низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин:

Ягона акциядорнинг талабига кўра;

Кузатув кенгаши аъзоларининг таклифларига асосан;

ушбу Низомда назарда тутилган муносабатларни тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларидаги талаблар ўзгарган тақдирда;

Жамият Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилганда.

86. Ушбу Низомнинг айрим бандлари ўз аҳамиятини йўқотган ёки ҳақиқий эмас деб топилган тақдирда, Низомнинг бошқа бандлари ўз кучида қолади.